Х.М.Алимов,
п.ф.н.ЎзХИА катта ўқитувчиси

У.Б.Маманазаров,
ЎзХИА 1-босқич магистранти

БАРКАМОЛ АВЛОДНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА СОҒЛОМ ЭЪТИҚОД ТАЪСИРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ



Бугунги ахборот асрида дунёнинг бир нуқтасида юз бераётган воқеа ва ҳодисалар тўғрисида бошқа бир нуқтада туриб хабардор бўлиш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу эса дунёда содир бўлаётган жараёнларнинг янада глобаллашувига имкон яратиб бермоқда. Ахборот асрида ёшлар онгига ўз таъсирини ўтказувчи бу каби ташқи ва ички омиллар оқибатида ҳали ўз имкониятларини тўлиқ англаб етмаган ёш авлод ўртасида нохуш холатларнинг бўлиб турганлиги тўғрисида маълумотларни учратамиз.

Биламизки, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунида турли динларга эътиқод қилувчи фуқароларнинг ўз динларига бедахл амал қилишлари учун маълум шарт-шароитлар мавжуд. Мазкур қонунда эътиқод эркинлигининг яна бошқа кўп масалаларига катта эътибор берилган. Унда давлат ва дин, дин ва ижтимоий ахлоққа оид фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига зид бўлмаган уйғун муносабатлар қайд этилган бўлиб, ўтган давр мобайнида бу ижтимоий дунёқарашнинг шаклланиши, тинчликнинг таъминланиши, динлараро тотувлик мулоқотларининг ривожланиши, аҳилликнинг мустаҳкамланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қонунинг амалий ифодаси сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳозирги вақтда 16 та диний конфессия вакиллари тотув яшаб келадилар.

Шундай экан, эътиқод тарбияси таклиф этувчи муайян ахлоқий фазилатлар ёшларда келажакка нисбатан ишонч ҳисларининг тўғри шаклланишида ва уларнинг баркамол бўлиб униб-ўсишида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ўсиб бораётган шахснинг соғлом эътиқодини шакллантириш муаммоси кўп қиррали бўлганлиги учун, ушбу тушунчани дин психологияси, педагогик психология, ёш даврлари психологияси, дифференциал психология каби психологиянинг турли тармоқлари ўрганиб келмоқда.

Ёшлар ўзи яшаётган жамият ўзгаришларининг фаол иштирокчиси экан, унинг фаолиятини муайян ғояларга асосланган эътиқод ва ишонч бошқаради. Шу сабабли эътиқод тарбияси шахс ҳаётининг болалик чоғидан бошлангани мақсадга мувофиқ. Агар биз эътиқод сўзига эътибор берсак, унинг қуйидаги луғавий ва психологик маънолари борлигини биламиз. Эътиқод (арабча – ишонч, ишониш, кўнгилда тасдиқлаш, имон, маслак) дилдан эътироф этилувчи тушунча, нуқтаи назар, қарашдир[1]. Кўпгина психологлар инсон эътиқодининг асосини ҳиссиёт, ирода, хаёл, мотивлар, қизиқишлар, билимлар ва шу каби бир қатор хусусиятларидан иборат деб билишади. Шу ўринда ёшлар ҳаётида юқоридаги барча хусусиятларни бирлаштириб турадиган етакчи ва соғлом эътиқоднинг асоси нимада деган саволга жавоб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Диний нуқтаи назардан қараганда эътиқод тушунчаси барча динларда ҳам аввало худога бўлган ишончни ифодалайди. Лекин ҳаётий шарт-шароитларда инсонни, айниқса ёшларни кўпинча умид ва орзулар бошқаради. Шу сабабли улар фаолиятида ҳаётга муносабат, дунёқараш ёки йўл-йўриқ бўлиб хизмат қилувчи, ақл, идрок, ирода асосида англанган билимлар, ғоя ҳамда тасаввурлар ифодаси бўлган тушунчалар ва шу асосда англанган билим, мақсадлар мажмуи ҳамда уларнинг тўғрилигига бўлган ишонч етакчилик қилади. Эътиқод ёшларнинг вояга етиши жараёнида шаклланади. Билим ва ғоялар инсоннинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олгандагина эътиқодга айланади. Аммо умид ва орзулар ҳам шунга муносиб равишда улғайиб боради. Шунга кўра эътиқод ижтимоий жиҳатдан инсоннинг фаолияти билан боғлиқ бўлади. Зеро, эътиқод амалий жараёнларда ўзини кенгроқ намоён қилади. Агар эътиқод мутаассиб, ирқий, миллатчилик ва тор сиёсий ҳамда иқтисодий манфаатлар билан чекланган бўлса, бундай ҳолда у бузғунчилик ва беқарорликка хизмат қилади. Бундай ҳол оқибатида жамият ва давлатнинг ривожланишдан ортда қолиш эҳтимоли юқори бўлади. Шу сабабли, тараққиёт ва ҳурликка хизмат қилувчи ишонч билан бузғунчилик ва ёмонликка етакловчи умид ва орзуларни бир-биридан фарқлаш ғоятда муҳим масаладир. Бундан шу нарса кўринадики, соғлом авлодни шакллантиришда ишонч билан ҳаётий умид ва орзуларни уйғунлаштиришнинг шахс дунёқараши тизимидаги ўрни юқори экан. Унинг аҳамияти биринчидан, шахс дунёқарашида барқарорликни белгиловчи омил сифатида, иккинчидан, мавжуд ёки юзага келиш эҳтимоли бўлган қийинчиликлардан чўчимасликка, уларга қарши тура олишга ва бартараф этишнинг оқилона йўлларини излашга, учинчидан, хулқидаги собитлик ва фаолликни таъминлашга хизмат қилишида кўринади. Таъкидлаганимиз каби, одатда эътиқод деганда диний эътиқод тушунилади. Аслида эътиқод диний ҳам, дунёвий ҳам бўлиши мумкин. Диний эътиқод ғайритабиий қудрат ва ҳодисаларга ишониш, сиғиниш орқали шаклланади. Эътиқоднинг дунёвий кўриниши эса, инсонни ўраб турувчи объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни ҳиссий англаш, тажриба ҳамда илмий билиш асосида шаклланади.

Бизнинг диёрда истиқомат қилувчи кўпчилик аҳолининг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, миллий тарбия тизимида ислом дини, таълимоти ва рукнлари асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Хусусан, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда эътиқодий масалалар билан бир қаторда ота-она, фарзандлик бурчи, одоб-ахлоқ мавзусидаги масалаларда кўплаб психологик аҳамиятга эга жиҳатларни учратамиз. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек “Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади” [2].

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Бешинчи жилд. Т.: “ Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.- 68 б.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги сўзлаган нутқидан.

Ёшларнинг диний ёки дунёвийлигидан қатъи назар тафаккурининг шаклланиши ва мустаҳкамланишига чуқур таъсир кўрсатувчи омиллардан бири маънавиятдир. Ўрта, махсус ва олий таълим тизимида “Маънавият”га оид фанлар таркибида ўтиладиган мавзулар қиёсий ўрганилганда шу нарса маълум бўладики, предметлар бўйича ёшларга асосан умумий, тарихий ва назарий маълумотларгина тақдим этилади. Мазкур маълумотлар ҳар қандай кучли мутахассис, янги техника ва педтехнологиялар воситасида тақдим этилмасин, барибир умумий ҳамда тарихий ва назарий маълумотлар бўлиб қолаверади. Бу фандан мақсад ёшларда юксак маънавиятни, унинг воситасида мустаҳкам ватанпарварлик дунёқараши ва кенгфикрлиликни шакллантириш бўлса, унда фан мавзулари таркиби ва уларни шахсда амалий шакллантириш ёндашувлари замон талаблари асосида янгиланиши керак бўлади. Таълимни амалга оширишда умумий фикрлардан кўра аниқ яхши ва ёмон таъсирга эга атама ва тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш йўлидан бориш кўпроқ самара бериши мумкин. Бунинг учун инсон маънавиятининг ривожланишида энг чуқур таъсир кучига эга атама ва тушунчалар ҳамда уларни қандай кетма-кетликда ўқитиш ва ишончга айлантириш тартиби ва механизмлари ишлаб чиқилиши лозим бўлади. Тарбиянинг назарий асослари, асосий соҳалари ва йўналишлари ҳақидаги умумий тушунчалар ўрнига яхшилик ва ёмонлик, поклик ва нопоклик, тўғрилик ва эгрилик, бағрикенглик ва худбинлик, тинчлик ва уруш, меҳнатсеварлик ва боқимандалик каби дунёқарашнинг шаклланишига ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган тушунча ва атамалар моҳияти амалий мисоллар ёрдамида ўргатилиши янада яхши самара бериши мумкин.

Бугун психологик дунёқарашни шакллантиришда амалиётда фойдаланиб келинаётган кутубхона, кино, концерт, театр, музей, экскурсия ва анжуманлар ташкил этиш каби тадбирларнинг таъсири етарли бўлмаётгани сезиларли даражага чиқди. Бунинг сабаби биринчидан, бу амалиёт объектлари ёшлар учун янгилик эмас, иккинчидан, уларнинг аксарияти ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган, учинчидан, бундай объектлар жуда кўп ва улар ҳақида маълумот берувчи ахборот манбаларининг ҳам хилма-хиллигидир. Инсон эса ўз табиатига кўра кўп нарсага лоқайд қарайди ва кам нарсага интилиб яшайди. Шунинг учун бугун психологик етук дунёқараш кўникмаларини амалий ҳосил қилиш жараёнида ёшларга тингловчи ва кузатувчи эмас, балки ташкилотчи, иштирокчилик имконини кўпроқ бериш керак бўлади. Ёшлар китобхонлик клублари, кинотақдимот ва концерт студиялари, театр жамоалари ва уларнинг маҳсулотлари, ёшлар музейи ва уларнинг экспонатлари, ёшлар экскурсия ва анжуманлари кенгаши каби ёшлар ўзлари қарор чиқарувчи жамоавий тузилмалари фаолиятини ташкил этиш келажак авлод ижтимоий психологияси, маънавият ва дунёқарашнинг шаклланишида ижобий из қолдирган, қолаверса ноёб иқтидорларнинг намоён бўлиши, ёшларнинг ўз келажагини кўриш имкониятларини ошириши, ёшлик давридан ёрқин тарихий хотиралар қолиши ва ҳаётдан илҳомланиб яшашига сабаб бўлар эди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жамиятимизнинг катта ва кичик аъзоларида, айниқса, ёшлар онгида соғлом эътиқодни шакллантиришда миллий ва маънавий қадриятлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Жамият тараққиёти кенг дунёқарашли, қобилиятли, истеъдодли кадрлар орқали юз беради. Ёшлар дунёқарашининг юксалиши натижасида уларнинг ўз кучи, имконияти билан озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт, демократик, фуқаролик жамияти қуришга бўлган ишончи кучаяди. Ҳар бир мамлакат ўз миллий тараққиётида етишиб келаётган авлодининг кўплаб фазилатларни қамраб олган ижтимоий психологиясига таянади. Қадимги Шарқ ва Ғарбда, ўрта асрлар даврида, фанлар классификацияланишининг тараққиёт босқичларида, индустриал ва бугунги постиндустриал, ахборотлашган жамиятларда ҳам ўринбосар авлод ишончи, эътиқоди, психологияси ва дунёқараши масаласини тўғри ҳал қилишга бош масала сифатида қаралган. Етук, билимдон авлодни етиштириш учун уларнинг дунёқараши ва тафаккур тарзини шакллантиришга, ўрта, махсус ва олий ўқув юртларидаги таҳсилига эътибор берилган. Бугунги давр ҳам шундай талабдан холи эмас. Фақат уни ўз вақтида кўра билиш, давр имкониятларига мувофиқлаштириб бориш катта муваффақиятларга олиб келади.